

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

РАХИМОВА ГУЛРУХ ҚЎРҚМАСОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЎСАДИГАН ТОРБАРГЛИ ИВАН-ЧОЙ
ЎСИМЛИГИНИ ФАРМАКОГНОСТИК ЎРГАНИШ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УДК: 615.453.4-07(575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Рахимова Гулрух Қўркмасовна

Ўзбекистонда ўсадиган торбаргли Иван-чой ўсимлигини

фармакогностик ўрганиш..... 3

Рахимова Гулрух Қўркмасовна

Фармакогностическое изучение Иван-чая узколистного,

произрастающего в Узбекистане..... 21

Rahimova Gulruh Kurkmasovna

Pharmacognostic study of Chamaenerium angustifolia L. growing in

Uzbekistan..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

РАХИМОВА ГУЛРУХ ҚЎРҚМАСОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЎСАДИГАН ТОРБАРГЛИ ИВАН-ЧОЙ
ЎСИМЛИГИНИ ФАРМАКОГНОСТИК ЎРГАНИШ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.1.PhD/Far8 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Комилов Хожнасрор Масудович**
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Аминов Сабиржон Нигматович**
кимё фанлари доктори, профессор
Нишанбаев Сабир Зарипбаевич
кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **ЎЗР ССВ ҳузуридаги “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази”. ДУК**

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Far.32.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «___»_____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38; факс: (99871) 256-45-04; e-mail: pharmi@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2019 йил «___»_____ куни тарқатилди
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.И.Алимджанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ё.С.Кариева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долбзарблиги ва зарурати. Простата беги касалликлари – простатит, аденома, простата безининг саратони эркаклар орасида энг кўп тарқалган касалликлар қаторига киради. Меҳнат ёшидаги инсонлар орасида урологик касалликларнинг ортиши ишга лаёқатлиликини вақтинча йўқотиш ҳолатларининг кўпайишига олиб келмоқда. БЖССТнинг маълумотларига кўра, простата касаллигига чалинган эркаклар сони аҳолининг 5-8% ни ташкил қилади; 35-40% ҳолатларда сурункали простатит 20-40 ёш оралигида бўлган эркакларда учрайди.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида простата беги касалликларини даволаш учун юқори самарадорликка эга, безарар дори воситаларни ишлаб чиқиш мақсадида доривор ўсимликларнинг фармакогностик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Синтетик препаратлар қўллаш натижасида ножўя асоратлар кўпайганлиги сабабли доривор ўсимликлар билан даволаш йўлга қўйилмоқда, айниқса кекса ва ёши катталарда. Ҳозирги кунда простата безининг касалликларида ишлатиладиган дори препаратларни яратиш учун доривор ўсимликларни излаш, уларни ҳар томонлама ўрганиш катта аҳамият касб этади.

Республикамызда аҳолини соғлиғини сақлаш, патологияларни олдини олиш ва даволаш, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини юқори даражага кўтариш каби ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муҳим масалаларнинг ечимига қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймалик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш»¹ муҳим вазибалардан бири сифатида белгиланган. Ушбу масалаларни ечиш мақсадида бир қатор эркин иқтисодий ишлаб чиқариш зоналарини ташкил этилиши фармацевтика соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситаларини ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ-3968-сон «Ўзбекистон Республикасида ҳалқ таоботи соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 апрелдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони

32-сон «Доривор ўсимликлар асосидаги дори воситаларини ва биологик фаол қўшимчаларни (БФҚ) маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари» тўғрисидаги баёни, шунингдек, мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур диссертация иши маҳаллий ўсимлик торбаргли Иван-чой (*Chamaenerium angustifolium L.*) ер устки қисми асосида простата беши касалликларини комплекс даволаш учун янги дори воситалар ва биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқиш бўйича биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Х.У.Алиев, Х.М.Комилов, С.Н.Аминов, Ф.Ф.Урманова, Х.М.Юнусова каби олимларимизнинг ялғиланишга қарши таъсирли доривор ўсимликларни ўрганиш ва улар асосида самарали дори воситаларни ишлаб чиқиш бўйича ишлари маълум.

Шунингдек, дунё миқёсида олиб борилаётган ялғиланишга қарши ўсимлик воситаларни ишлаб чиқиш бўйича Ашис Чавл, Т.Йоханс, Хеверхаген, М.Шрадер, Т.Гассер, М.К.Штелинг, Б.Джавани, К.Вюльфинг, Р.Ганцер, П.Хаммерер, Л.М.Гориловский, М.М.Доброхотов, А.А.Полунин, В.Н.Крупин, И.А.Колмацуй, А.Т.Терешин, В.А. Смирнов ва бошқа олимларни тадқиқотларини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистонда ўсадган торбаргли Иван-чойни фармакогностик жиҳатдан ўрганилмаган ўсимликлар қаторига киритиш лозим.

Ҳозирги кунгача махсулотнинг чинлиги ва сифатини аниқ белгиловчи меъёрий ҳужжат мавжуд эмас. Торбаргли Иван-чой ер устки қисмини чинлигини аниқлаш учун унинг морфологик ва анатомик ташхиси очиқ қолган; махсулотнинг асосий таъсир этувчи моддаларни аниқлаш усуллар ҳамда унинг асосида дори воситалар ишлаб чиқилмаган. Баён этилганларга асосланган ҳолда, Ўзбекистонда ўсадиган торбаргли Иван-чой ер устки қисмини мажмуавий ўрганиш долзарбдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг “Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш” мавзусидаги илмий - тадқиқот ишлари режасига ҳамда АТСС-34.2 №232 “Маҳаллий ўсимлик хомашёси асосида простатит касаллигини даволаш учун ўсимлик йиғмасини яратиш ва стандартлашни ишлаб чиқиш” доирасида ИТД-12 илмий-тадқиқот иш дастурига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади торбаргли Иван-чай ер устки қисмини фитокимёвий усулларда аниқлаш ва стандартлаш ҳамда унинг асосида простата беши касаликларини даволаш учун яллиғланишга қарши композицияни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адабиётларни таҳлили асосида простата беши касаликларини даволаш учун янги дори воситаларни ва биологик фаол қўшимчаларни яратиш ва стандартлашнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш;

асосий таъсир этувчи моддаларни аниқлаш мақсадида торбаргли Иван-чай ер устки қисмини кимёвий таркибини ўрганиш;

торбаргли Иван-чайнинг асосий таъсир этувчи моддалари – флавоноидларни ажратиб олиш ва идентификация қилиш;

флавоноидларни тўпланиш динамикасини ўрганиш ва олинган маълумотлар асосида хомашё тайёрлашнинг мўътадил муддатларини аниқлаш;

хомашёни стандартлаш учун зарур бўлган чинлик ва сифат кўрсаткичларининг мезонларини ишлаб чиқиш;

тавсия этилаётган хомашёни сақлаш мумкин бўлган муддатларини тажрибавий асослаш;

простата беши касаликларини даволаш учун торбаргли Иван-чай ва ер бағирлаган темиртикан ер устки қисмлари асосида шартли равишда «Трибулепил» деб номланган яллиғланишга қарши композицияни ишлаб чиқиш ва стандартлаш;

«Трибулепил» йиғмаси қуруқ экстракти ва унинг асосидаги биологик фаол қўшимчани чинлиги ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва уларнинг асосида тавсия этилаётган хомашё, «Трибулепил» йиғмаси ҳамда унинг қуруқ экстракти асосидаги биологик фаол қўшимчага меъерий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўсимликнинг кўп ўсадиган жойларидан ботаник ишончли намуналардан тайёрланган торбаргли Иван-чайнинг ер устки қисми қўлланилган.

Тадқиқотнинг предмети торбаргли Иван-чай ўсимлигининг биологик фаоллигини таъминловчи биологик фаол моддаларининг мажмуасини ўрганиш, шунингдек, торбаргли Иван-чай ер устки қисми, «Трибулепил» ўсимлик композицияси ва унинг қуруқ экстракти асосида яратилган биологик фаол қўшимчани стандартлаш ва тиббиёт амалиётига жорий қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишни бажаришда табиий бирикмаларни таҳлил қилишнинг замонавий физик-кимёвий (қоғоз ва юпқа қатлам хроматография, ЮССХ, ГХ, индуктив-боғланган плазмали масс-спектрометрия, УВ- ва ИҚ-спектроскопия, газ-суюқлик хроматографиси, гамма-спектрометрия) ҳамда анъанавий фармакогностик таҳлил усуллари қўлланилган. Стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш Давлат фармакопеяси

XI нашри талаблари, «Дори воситаларининг сифати стандартлари» тармоқ стандарти (Тошкент, 2002), ЖССТ ва дори воситаларни қайд этиш учун техник шартларни уйғунлаштириш халқаро конференция (ICH) тавсияномаларига мувофиқ хомашёни бешта партиясида, унинг асосидаги йиғма ва унинг қуруқ экстрактини бешта сериясида олиб борилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда ўсадиган торбаргли Иван-чой ер устки қисмини кимёвий таркиби аниқланган, унинг биологик фаол моддаларининг асосий гуруҳларини табиати ва миқдори белгиланган;

Иван-чой ер устки қисмидан 7 та флавоноидли бирикма - кемпферол, кверцетин, мирицетин, изорамнетин, гиперозид, изорамнетин-7-о-β-рутинозид, рутин, кумаринлар-герниарин, умбеллиферон, дезоксикумар ва о-оксикумар фенилкарбон кислоталари ажратиб олинган ва идентификация қилинган;

тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун тавсия этилаётган хом ашё, «Трибулепил» композицияси ва унинг асосидаги қуруқ экстрактни стандартлаш мақсадида зарур бўлган чинлик ва сифат кўрсаткичларининг илмий асосланган мезонлари аниқланган;

хомашё тайёрлашнинг мўътадил муддатларини, шунингдек хомашё ва унинг асосида яратилган доривор ўсимлик воситасининг сақланиш муддатлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тиббиёт амалиёти учун янги яллиғланишга қарши таъсирга эга бўлган тор баргли Иван-чой ўсимлиги асосида «Трибулепил» йиғмаси яратилган.

Иван-чой ўсимлиги хомашёси, «Трибулепил» йиғмаси ҳамда «Узкимёфарм» АЖ билан ҳамкорликда яратилган «Ивтикан» биологик фаол қўшимчасини стандартлаш учун зарур бўлган чинлик ва сифат кўрсаткичларининг илмий асосланган мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишонччилик даражаси замонавий физик-кимёвий, фармакогностик, биологик таҳлил усулларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, уларни саноат-тажриба шароитда синови билан белгиланади. Тадқиқот натижаларини статистик ишлашда Вилкоксон-Манн-Уитнинг U-мезони ва Стъюдентнинг t-мезонидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти расмий тиббиётда маҳаллий флоранинг янги истиқболли доривор ўсимлиги - торбаргли Иван-чойни қўллаш имкониятини илмий асосланганлиги билан изоҳланади. Торбаргли Иван-чой ўти яллиғланишга қарши алоҳида дори воситаси сифатида ҳамда «Трибулепил» янги ўсимлик йиғмаси ва унинг қуруқ экстракти асосида фаоллиги бўйича хорижий аналоглардан кам бўлмаган «Ивтикан» биологик фаол қўшимчасини яратиш учун тавсия этилган. Соғлиқни сақлаш амалиётига янги ўсимлик воситаларини киритиш учун хомашё - субстанция – биологик фаол қўшимча қаторида, сифатни баҳолашнинг меъёр ва усулларини ягоналаштириш имконини берувчи ягона “туташ” стандартлаш

тамойили асосида стандартлаштиришнинг илмий асосланган тизими ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар асосида «Узкимёфарм» АЖ билан ҳамкорликда торбаргли Иван-чой ўти ва «Трибулепил» йиғмаси учун ВФМ лойиҳалари ишлаб чиқилгани ва “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази” ДУКга кўриб чиқиш учун тақдим этилганлиги шунингдек, «Ивтикан» биологик фаол кўшимчага Техник шартлар ва уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома лойиҳалари тиббиёт амалиётида фойдаланишга рухсат олиш учун ваколатли ташкилотларга тақдим этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Торбаргли Иван-чойнинг кимёвий таркибини аниқлаш, хомаше, «Трибулепил» йиғмаси ҳамда унинг қуруқ экстракти асосида яратилган «Ивтикан» биологик фаол кўшимчасини стандартлаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича илмий натижалар асосида:

торбаргли Иван-чой ер устки қисми ва унинг асосидаги яллиғланишга қарши таъсирга эга «Трибулепил» йиғмасига ВФМ лойиҳалари ишлаб чиқилган ва тиббиёт амалиётида фойдаланиш учун рухсат олиш мақсадида «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКга тақдим этилган (2019 йил 1 июндаги 29/01-347-сон хати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Ушбу ҳужжатларнинг тасдиқланиши натижасида маҳаллий доривор ўсимликдан ва ундан тайёрланган йиғма ёрдамида простат бези патологияларни даволаш имконияти яратилади;

«Ивтикан» биологик фаол кўшимча учун Техник шартлар “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланган («Ts 00481330-004:2018»). Уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланган (ТИ 00481330-004:2018). Натижада фармацевтика саноати учун «Трибулепил» йиғмаси қуруқ экстракти асосида «Ивтикан» биологик фаол кўшимчани ишлаб чиқариш имкони яратилди;

«Ивтикан» биологик фаол кўшимчани ишлаб чиқариш ва қўллашга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсати олинган (№ 000442; 01.04.2019г.). Ушбу биологик фаол кўшимчани ишлаб чиқарилиши натижасида хорижий давлатлардан импорт қилинаётган кўшимчалар улушини камайтириш, маҳаллий БФҚ ассортиментини кенгайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 43 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD)

илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 10 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб торбаргли Иван-choй ҳақидаги умумий маълумотлар, *Chamaenerium Adans.* авлоди вакилларининг кимёвий таркиби ва қўлланилиши, флавоноидлар тавсифи, таҳлил усуллари ва тиббий-биологик аҳамияти бўйича адабиётлар шарҳини қамраб олган.

Иккинчи боб «**Торбаргли Иван-choйнинг кимёвий таркибини ўрганиш**» деб номланиб унда ўрганилаётган ўсимликдаги биологик фаол моддаларнинг асосий гуруҳларини аниқлаш, идентификация қилиш ва миқдорини аниқлаш бўйича маълумотлар баён этилган.



1-расм. Торбаргли Иван-choйнинг ер устки қисмидан биологик фаол моддаларни ажратиш олиш чизмаси

Торбаргли Иван-чойнинг ер устки қисмидан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш ишлари 1-расмда келтирилган чизма бўйича босқичма-босқич селектив экстракция ёрдамида амалга оширилди.

Олинган фракциялар янги биологик фаол моддаларнинг асосий гуруҳлари маълум реакциялар ва таҳлилнинг хроматографик усулларини қўллаган ҳолда текширилди (1-жадвал).

1-жадвал

Торбаргли Иван-чой ер устки қисмини дастлабки фитокимёвий ўрганишнинг натижалари

Экстрактив моддаларнинг ўрганилган фракциялари	Аниқланган биологик фаол моддалар
Бензинли фракция	Каротиноидлар, стероидлар
I, II, III- эфирли фракциялари	Флавоноидлар, кумаринлар, фенолкарбон ва бошқа кислоталар
IV- эфирли фракция	Стероидлар
Этилацетатли, бутанолли фракциялар	Флавоноидлар, фенолкарбон кислоталар
I -сувли фракция	Сувда эрувчи полисахаридлар, пектин моддалар, ошловчи моддалар, органик кислоталар, қандлар
II-сувли фракция	Сувда эрувчи полисахаридлар, ошловчи моддалар

Олинган натижаларни тасдиқлаш ва аниқланган моддаларни идентификация қилиш учун уларни таркибида сақлаган фракциялар “тувоҳ”ларнинг ишончли намуналари билан солиштирган ҳолда таҳлил қилинди (2-жадвал).

2-жадвал

Торбаргли Иван-чой ер устки қисмининг кимёвий таркиби

Аниқланган биологик фаол моддалар гуруҳлари	Идентификация қилинган бирикмалар
Моносахаридлар	Глюкоза, фруктоза, сахароза, галактоза, арабиноза, ксилоза, галактурон кислота
Витаминлар	Аскорбин кислота, β-каротин
Органик кислоталар	Вино, лимон, олма, оксалат кислоталар
Ошловчи моддалар	Конденсацияланувчи танидлар
Кумаринлар	Герниарин, умбеллиферон
Фенолкарбон кислоталар	Дезоксикумар, о-оксикумар кислоталар
Стероид моддалар	β-ситостерин

Махсулотда аниқланган аминокислоталарни хроматографик усулда идентификация қилиш имкони бўлмаганлиги сабабли, ушбу мақсадда дастурий бошқарувли Т-339 (Mikroetchna-Prague) маркали аминокислоталар анализаторидан фойдаланилди.

Олинган хроматограммаларни интегратор ёрдамида ҳисоб-китоби ва интерпретациясидан сўнг торбаргли Иван-чай ўти эркин ва боғланган аминокислоталарнинг специфик тўплами 16 таркибий қисмдан иборатлиги, улардан, 9 таси (юлдузча билан белгиланган) алмашиб бўлмайдиган аминокислоталар эканлиги аниқланди (3-жадвал).


3-жадвал

Торбаргли Иван-чай ер устки қисмидаги аминокислоталар таркиби

Аминокислоталар	Гидролиздан сўнг эркин ва боғланган аминокислоталарнинг йиғиндиси	
	n/mol	аминокислоталарнинг умумий йиғмасига нисбатан, %
Аланин	9,6	8,48
Валин*	7,3	6,44
Глицин	10,4	9,18
Изолейцин*	3,9	3,44
Лейцин*	9,5	8,39
Метионин	0,1	0,08
Серин	7,8	6,89
Тирозин*	3,0	2,65
Треонин*	5,3	4,68
Финилаланин*	3,6	3,18
Пролин	8,2	7,24
Аспарагин	9,9	8,74
Глутамин	15,8	13,95
Аргинин*	9,4	8,3
Лизин*	5,7	5,03
Гистидин*	3,7	3,26
Алмашиб бўлмайдиган аминокислоталар миқдори		45,4%

Маълум бўлишича, аминокислоталар аралашмасининг биологик қимматлигининг кўрсаткичларидан бири, бу алмашиб бўлмайдиган аминокислоталар йиғиндиси миқдори 45-50% бўлиши. Торбаргли Иван-чай ўти учун ушбу кўрсаткич 45.4% ни ташкил қилади.

Торбаргли Иван-чай ер устки қисмидан полисахаридларни ажратиб олиш 2-расмда келтирилган чизмага асосан олиб борилди.



2-расм . Торбаргли Иван-чой ўтидан полисахаридларни ажратиб олиш чизмаси

Хроматографик ўрганиш кўрсатиши бўйича спиртда эрувчан қандлар таркиби глюкоза, фруктоза ва сахароза билан ифодаланган.

Ажратиб олинган полисахаридларнинг гидролиздан кейин моносахарид таркиби 4- жадвалда келтирилган.

4- жадвал

Торбаргли Иван чой ер устки қисмидан ажратиб олинган полисахаридларнинг моносахарид таркиби

Ажратиб олинган полисахаридлар	Глюкоза	Галактоза	Арабиноза	Ксилоза	Галактурон кислота	Фруктоза	Сахароза
Сувда эрувчан полисахаридлар	+	+	+	(излари)	+	-	-
Пектин моддалар	+	+	+	(излари)	+	-	-

Индуктив боғланган плазмали масс-спектрометрия усулида торбаргли Иван-чой ер устки қисмида 44та минерал элементларнинг мавжудлиги аниқланди.

Аниқланган элементларни улар миқдорини камайиши бўйича қуйидаги кетма-кетликда жойлаштириш мумкин:


Li>Be>Na>Mg>Al>P>S>K>-Ca>Sc>Ti>V>Cr>Mn>Fe>Co>Ni>-Cu>Zn>As>Se>Rb>Sr>-Zr>Nb>Mo>Pd>Ag>Cd>Sn>Sb>Cs>Ba>Ta>W>Pt>Au>Hg>-Tl>Pb>Bi>U.

Ўрганилаётган хом ашё таркибида организмнинг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатадиган темир, кальций, кобальт, магний, марганец, мис, молибден, фосфор, хром ва рухнинг мавжудлиги маълум даражада унинг фармакологик қийматини оширади.

Торбаргли Иван-чой ер устки қисмида аниқланган биологик фаол моддалар орасида хомашёнинг ўзига хос биологик фаоллигини флавоноидлар таъминлайди, шу сабабли биз бу бирикмалар гуруҳини чуқурроқ ўргандик.

Флавоноидларни ўрганиш бўйича тажриба натижалари диссертациянинг «Торбаргли Иван-чой флавоноидларини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида келтирилган.

Флавоноид бирикмаларни ажратиб олиш 3-расмда келтирилган чизма асосида олиб борилди.



3-расм.Флавоноидларни ажратиб олиш чизмаси

Флавоноидлар асосан этилацетатли ва бутанолли фракцияларига ўтишини инобатга олган ҳолда, айнан улар индивидуал моддаларни адсорбцион ва препаратив хроматография усулида ажратиб олиш учун қўлланилди.

Этилацетатли фракция моддаларни градиент элюирлаш йўли билан КСК маркали силикагелли колонкада аввал экстракцион бензин-хлороформ (6:1) эритувчилар аралашмаси ёрдамида хлороформ концентрациясини ошириш

билан сўнг тоза хлороформ ва этанол миқдорини ошириш билан хлороформ-этанол 95: 5 аралашмаси билан хроматография қилинди.

Колонкани хлороформ-этанол (95:5) аралашмаси билан элюирлашда I модда ва сўнг ушбу аралашма билан (90:10) нисбатда – II, III моддалар ҳамда (85:15) нисбатда IV ва V моддалар десорбция қилинди.

Бутанолли фракция полиамид билан тўлдирилган колонкадан ўтказилди. Сувда эрийдиган моддалардан тозалаш учун колонка аввал сув (ювилган сувда флавоноидлар аниқланмади), сўнг этанол концентрациясини оширган ҳолда сув-этанол (19:1) градиент аралашмаси билан ювилди. Колонкани 20% этил спирти билан элюирланганда VI модда, сўнг 25-30% спирт билан элюирланганда эса - VII модда ажратиб олинди.

Ажратиб олинган флавоноидларнинг физик-кимёвий хоссалари б-жадвалда келтирилган.

б -жадвал

Торбаргли Иван-чой ер устки қисмидан ажратиб олинган флавоноидларнинг физик-кимёвий тавсифи

Моддалар	Умумий формула	Суюқланиш харорати, °C	α_D^{20}	CH ₃ COOH: H ₂ O (6:4) системадаги Rf
Кемпферол	C ₁₅ H ₁₀ O ₆	281-282	-	0.50
Кверцетин	C ₁₅ H ₁₀ O ₇	310-312	-	0.78
Мирицетин	C ₁₅ H ₁₀ O ₈	350-353	-	0.31
Изорамнетин	C ₁₆ H ₁₂ O ₇	305-308	-	-
Гиперозид	C ₂₁ H ₂₀ O ₆	235-237	59	0.55
Изорамнетин-7-О-β-рутинозид	C ₂₈ H ₃₂ O ₁₆	165-168	-	0.55
Рутин	C ₂₇ H ₂₀ O ₁₆	188-191	36	0.42

I- IV моддалар Бриант бўйича ижобий реакция берди, бу эса уларни флавоноидли агликонларга таалуқлилигини кўрсатди. Ушбу моддаларнинг ИҚ-спектрида уларнинг флавоноидли табиатини исботловчи ютиш соҳалари аниқланди: 3400-3310 см⁻¹ (фенол оксигуруҳлар), 1670-1665 см⁻¹ (γ-пирон ҳалқасининг карбоксил гуруҳи), 1624-1508 см⁻¹ (ароматик ҳалқалар тебраниши). Ионловчи ва комплекс ҳосил қилувчи реагентларни қўллаган ҳолда ўтказилган тўғри ва дифференциал УБ-спектроскопия натижалари асосида I, IV моддаларда - 3,5,7 ва 4' ҳолатларда, II моддада - 3,5,7,3' ва 4' ҳолатларда ҳамда III моддада- 3,5,7,3', 4' ва 5' ҳолатларда эркин оксигуруҳлар мавжудлиги аниқланди.

Ажратиб олинган агликонлар физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ва ишончли намуналар билан таққослаш натижасида қуйидагича тавсифланган:

I-3,5,7,4'-тетрагидроксифлавоон (кемпферол), II-3,5,7,3',4'-пентагидроксифлавоон (кверцетин), III-3,5,7,3',4',5'-гексагидроксифлавоон (мирицетин), IV-3,5,7,4'-тетрагидрокси-3'-метоксифлавоон (изорамнетин).

V-VI моддалар Бриант бўйича салбий натижалар бергани сабабли флавоноидли гликозидларга киритилди.

V-модданинг микдорий кислотали гидролизи эквимолекуляр микдордаги агликон ва қандли таркибий қисмини ҳосил бўлишига олиб келди, бу эса унинг монозид табиатини белгилайди. Кислотали гидролиз маҳсулотларда кверцетин агликони ва D-галактоза аниқланган ҳамда физик-кимёвий хоссалари асосида идентификацияланган. Ионловчи ва комплекс ҳосил қилувчи реагентларни қўллаган ҳолда ўтказилган УБ-спектроскопия ёрдамида ОН-гурухи бўйича углеводли компонентнинг C-3даги жойи аниқланган. V-модданинг ИҚ спектрида гликозид боғнинг β -конфигурациясини белгиловчи 880см^{-1} да ҳамда углеводли қолдиқнинг пираноз окисли цикли учун хос бўлган $1100-1000\text{см}^{-1}$ да ютиш соҳалари белгиланмоқда. Олинган натижалар ва ишончли намуналар билан солиштириш асосида модда V 5,7,3,4'-тетрагидрокси 3-O- β -D-галактопиранозидфлавонол (гиперозид) сифатида тавсифланди.

VI-VII-моддалар микдорий кислотали гидролиз асосида флавоноидларнинг биозидларига таалуқлилиги аниқланган. Уларнинг кислотали гидролиз маҳсулотларида изорамнетин (VI модда) ва кверцетин (VII-модда) агликонлари ҳамда қанднинг таркибий қисми сифатида D-глюкоза ва L-рамноза аниқланган. УБ-спектроскопия натижаларига асосан углевод қолдиқлар C-3га қўшилиши аниқланди. Моносахаридларнинг биозиддаги жойлашувини юмшоқ шароитдаги кислотали гидролиз йўли билан аниқлаш натижасида биоза-рутиноза олинган ва идентификацияланган. VI ва VII модданинг ферментатив гидролизида рутинозани енгил ажралиши ҳамда уларнинг ИҚ- спектрида 880см^{-1} да ютиш соҳанинг мавжудлиги гликозид боғнинг β -конфигурациясини тавсифлайди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижалари ва ишончли намуналар билан таққослаш асосида VI модда изорамнетин-7-O- β -рутинозид сифатида, VII – модда кверцетин-3-O- β - рутинозид ёки рутин сифатида идентификация қилинди.

Торбаргли Иван чой ўтини тиббиёт амалиётига татбиқ этиш мақсадида хомашёни стандартлаш учун зарур бўлган чинлик ва сифат кўрсаткичларни аниқлаш билан боғлиқ тадқиқотлар ўтказилган. Ушбу масалаларнинг ечими диссертация ишининг «**Торбаргли Иван чой ер устки қисмини стандартлаш**» деб номланган тўртинчи бобида ўз аксини топган.

Хомашёнинг чинлиги унинг ташқи ва анатомик-диагностик белгиларини ўрганиш, асосий таъсир этувчи моддаларни сифат реакциялари билан аниқлаш натижалари бўйича белгиланди. Макроскопик таҳлил ёрдамида аниқланган хомашёнинг ташқи белгилари адабиётлардан олинган маълумотларга мос келди.

Торбаргли Иван чой ер устки қисмини микроскопик ўрганиш натижасида қуйидаги диагностик белгилар:

- кўп бурчакли, юпка деворли юқори эпидермиснинг хужайралари;
- ёш баргларнинг йирик томирларига жойлашган бир хужайрали юпка

деворли сўгалсимон юзали тукчалар;

-юпқа деворли эгри бугри контурли пастки эпидермиснинг хужайралари;

-фақат пастки томонда жойлашган кўп сонли оғизчалар;

-томирнинг иккала томонида учрайдиган шиллик моддалар ва рафидлар сакловчи узунчоқ хужайралар идобластлар;

-кўндаланг кесими дорзовентрал кўринишда;

-биколлатерал шаклдаги ўтказувчи тўқима боғламлари.

Торбаргли Иван- чой ер устки қисмининг специфик биологик фаоллиги авваламбор флавоноидлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, хомашёни кимёвий стандартлаш жараёнида улар махсулотнинг чинлиги ва сифатлигини белгиловчи асосий мезон сифатида қабул қилинган. Флавоноидларни махсулотда аниқлаш учун алюминий хлорид билан ўтказиладиган классик реакция тавсия этилди. Ушбу реакция флавоноидларни миқдорий таҳлилида қўлланилган фармакопоя спектрофотометрик усулининг асосини ташкил қилади.

Республиканинг турли ҳудудларида тайёрланган хомашёнинг 5 та партиясида флавоноидлар миқдорини аниқлаш натижаларини инобатга олган ҳолда уларнинг хомашёдаги миқдори 0.7% кам бўлмаслиги белгиланди.

Торбаргли Иван чой ер устки қисмида флавоноидларни тўпланиш динамикасини ўрганиш ўсимлик ривожлангани сайин сезиларли ўзгаришларга учрашини кўрсатди: гуллаш даврида флавоноидлар максимал даражада тўпланиши (0.75%), сўнгра камайишини аниқланган. Шу сабабли хомашёни тайёрлашнинг оптимал муддати этиб ўсимлик гуллаган даври белгиланди. Олинган натижаларни биз торбаргли Иван чой хомашёни йиғиш ва қуритиш бўйича йўриқномани ишлаб чиқишда қўлладик.

Таъсир этувчи модда билан бирга, тавсия этилаётган хомашёнинг сифатини белгиловчи бошқа кўрсаткичлар ҳам (намлик, умумий кул ва хлорид кислотанинг 10%ли эритмасида эримайдиган кул, майдаланганлик даражаси, аралашмалар миқдори) аниқланди. Доривор ўсимлик воситаларнинг сифатига ва таҳлил усулларига қўйилган ҳалқаро талабларни ҳисобга олган ҳолда, унинг таркибидаги экотоксикантлар-токсик оғир металлар, радионуклидлар ва пестицидларнинг қолдиқ миқдорлари ҳам аниқланди. Изланишлар натижасида торбаргли Иван чой ер устки қисмининг экологик тозаллиги ва қўлланилишининг хавфсизлиги аниқланди.

Шу билан бирга, у микробиологик тозаллиги нуқтаи-назаридан ўсимлик хомашёсига қўйиладиган талабларга тўлиқ мослиги кўрсатилди.

Табиий сақлаш шароитида торбаргли Иван чой ер устки қисмини турғунлигини ўрганиш асосида унинг ташки белгилари ва сифат кўрсаткичлари 3-5 йил мобайнида деярли ўзгармагани белгиланди. Буни ҳисобга олган ҳолда, торбаргли Иван-чой ер устки қисмини тайёрланган вақтидан бошлаб 3 йил ичида қўллаш тавсия этилади.

Диссертациянинг «Торбаргли Иван чой асосида дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиш ва стандартлаш» номли

бешинчи бобида торбаргли Иван-чой асосида дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ амалий масалалар ечими келтирилган. Маълумки, терапевтик фаолликни тўлиқ ва тезда намоён бўлишини таъминлаш учун бир вақтнинг ўзида бир нечта ўсимлик компонентларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Доривор ўсимликлар композицияларини терапевтик самарадорлиги таъсир этувчи ва йўлдош моддаларнинг синергизми, уларнинг фармакологик таъсирларини жамланиши ва потенциаланишининг умумий қонуниятларига боғлиқ деб ҳисобланади. Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда, простата аденомасини даволаш учун торбаргли Иван-чой ва ер бағирлаган темиртикан ер устки қисмини сақлаган, шартли равишда «Трибулепил» деб номланган композициянинг мўътадил таркиби ишлаб чиқилди.

Клиник олди фармакологик тадқиқотлар кўрсатиши бўйича, ишлаб чиқилган йиғма деярли токсик бўлмаган ва организмга ножўя таъсир кўрсатмаган ҳолда, «Простамол-уно» препарати каби андроген гормоннинг ҳайвонларни уруғ суюқлигини ишлаб чиқарилишини ва простата безига таъсирини кучайтиради ҳамда ушбу таъсири бўйича «Верона» препаратига яқинлашади.

Янги яллиғланишга қарши «Трибулепил» йиғмасини тиббиёт амалиётига жорий қилиш мақсадида уни стандартлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. ДФ XI талабларига асосан хомашёнинг чинлиги ташқи, анатомик ва диагностик белгилар ва асосий таъсир этувчи моддаларга сифат реакциялари натижалари бўйича аниқланди.

«Трибулепил» йиғмасининг стандартлаш ишлари хомашё каби флавоноидлар бўйича амалга оширилди, яъни хомашё – тайёр дори воситаси қаторида “туташ” стандартлаш усули қўлланилди.

«Трибулепил» йиғмасининг кимёвий ва товаршунослик таҳлил натижалари асосида унинг сифатини белгиловчи сон кўрсаткичларнинг меъёрлари аниқланди (7-жадвал).

7- жадвал

«Трибулепил» йиғмасининг сифатини меъёрлаштирувчи сон кўрсаткичлари

Кўрсаткичларнинг номланиши	Йиғма учун меъёр
Кверцетинга нисбатан флавоноидлар миқдори, %, кам эмас	0,4
Намлик, %, кўп эмас	10,0
Умумий кул, %, кўп эмас	9,0
Хлорид кислотанинг 10% ли эритмасида эримайдиган кул, %, кўп эмас	1,0
Тешиклар ўлчами 7 мм бўлган элакдан ўтмаган заррачалар, %, кўп эмас	5,0
Тешиклар ўлчами 0,25 мм бўлган элакдан ўтган заррачалар, %, кўп эмас	3,0
Органик аралашмалар, %, кўп эмас	2,0
Минерал аралашмалар, %, кўп эмас	1,0

Йиғмани сақлаш жараёнида флавоноидлар миқдори ва бошқа сон кўрсаткичлар 2,5 йил мобайнида деярли ўзгармади. Шу сабабли йиғмани тайёрланган вақтидан бошлаб 2 йил ичида қўллаш тавсия этилади.

Шунингдек, янги «Трибулепил» ўсимлик йиғмаси микробиологик тозалиги, экотоксикантлар-токсик оғир металллар, радионуклидлар ва пестицидларнинг қолдиқ миқдорлари бўйича талабларга тўлиқ жавоб бериши аниқланди.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар натижасида торбаргли Иван-чой ер устки қисми ва унинг асосидаги «Трибулепил» йиғмасининг сифат кўрсаткичларига қўйиладиган талабларнинг даражасини асослаш учун маълумотлар олинди.

Улар асосида «Ўзкимёфарм» АЖ билан биргаликда кўрсатилган ўсимлик воситаларига Вақтинча фармакопея мақолалари (ВФМ) лойиҳалари ишлаб чиқилиб, тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат олиш мақсадида ЎзР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУКга кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

Доривор ўсимлик хомашёсининг индивидуал турларини ва уларнинг комбинацияларини кейинчалик тайёр дори шакллари субстанциялари сифатида қўллаш ҳамда биологик фаол қўшимчаларни олиш учун курук экстрактлар кўринишига ўтказишнинг мақсадга мувофиқлигини эътиборга олган ҳолда, «Ўзкимёфарм» АЖ билан ҳамкорликда ялғиғланишга қарши «Трибулепил» йиғма асосида флавоноидларнинг юқори миқдорини таъминловчи ва бошланғич хомашёнинг физиологик фаоллигини сақлаб қолувчи мураккаб бўлмаган, кам харажатли ва хавфсиз технологияни қўллаган ҳолда «Трибулепил» курук экстракти ҳамда унинг асосида «Ивтикан» биологик фаол қўшимчаси олинди.

«Ивтикан» БФҚ учун унинг хавфсизлиги ҳамда ишлаб чиқиш ва қўллаш мумкинлиги ҳақида ЎзР ССВ Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг токсико-гигиеник хулосаси олинган.

Ишлаб чиқилган ўсимлик воситаларни стандартлаш хомашё каби флавоноидлар бўйича олиб борилган, яъни хомашё-субстанция-биологик фаол қўшимча қаторида меъёр кўрсаткичлари ҳамда сифат усуллари унификацияси таъминланган. Шунингдек, торбаргли Иван чой курук экстрактининг сифат кўрсаткичлари фармакопея талабларига жавоб бериши аниқланди.

Олинган маълумотлар асосида «Ўзкимёфарм» АЖ билан ҳамкорликда «Ивтикан» биологик фаол қўшимча учун тузилган Техник шартлари (Ts 00481330-004:2018) ва уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 00481330-004:2018) «Ўзстандарт» агентлигининг стандартлаштириш, давлат назоратини мувофиқлаштириш ва ахборот технологияларини жорий этиш бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланган. Озуқага янги «Ивтикан» БФҚ ни ишлаб чиқиш ва қўллаш учун ЎзР ССВнинг 2019 йил 1

апрелдаги 000442-сон рухсати олинган.

«Узкимёфарм» АЖ уни саноат миқёсида ишлаб чиқаришга розилик берган.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор маҳаллий флоранинг янги истиқболли доривор ўсимлиги – торбаргли Иван- чой чукур фармакогностик ўрганилди.

2. Комплекс тадқиқотлар натижасида торбаргли Иван-чойнинг қўлланилиши илмий асосланди ва тиббиёт амалиётига яллиғланишга қарши янги самарали дори воситаси сифатида тавсия этилди.

3. Торбаргли Иван-чой ер устки қисмининг ўзига хос фаоллигини белгиловчи биологик фаол моддалар мажмуаси моно- ва полисахаридлар, аминокислоталар, каротиноидлар, органик кислоталар, ошловчи моддалар, флавоноидлар, кумаринлар, фенолкарбон кислоталар, стероид бирикмалар ва минерал моддалардан иборат эканлиги ҳамда хомашёдаги биологик фаол моддаларнинг асосий гуруҳлари таркиби ва миқдори белгиланган.

4. Ўсимликнинг асосий таъсир этувчи моддалари – флавоноидлар бўйича чукур кимёвий тадқиқотлар олиб борилди. Торбаргли Иван-чой ер устки қисмидан илк бор флавоноид табиатли 7та индивидуал модда : 3,5,7,4'-тетрагидроксифлавонон (кемферол), 3,5,7,3'4'-пентагидроксифлавонон (кверцетин), 3,5,7,3'4'5'-гексагидроксифлавонон (мирицетин), 3,5,7,4'-тетрагидрокси-3'-метоксифлавонон (изорамнетин), изорамнетин-7-О-β-рутинозид ва кверцетин-3-О-β-рутинозид (рутин) ажратиб олинди ва идентификация қилинди.

5. Тавсия этилаётган махсулотни стандартлаш тизими таклиф этилди: асосий таъсир этувчи моддалар – флавоноидларни сифат ва миқдорини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди, хомашёнинг чинлиги ва сифат кўрсаткичлари тавсифлари аниқланди, тажрибада уни тайёрлаш ва сақлашнинг мўътадил муддатлари белгиланади.

6. Торбаргли Иван-чой ер устки қисми асосида яллиғланишга қарши янги «Трибулепил» йиғмаси, унинг қуруқ экстракти асосида капсула шаклидаги «Ивткан» биологик фаол қўшимчасини яратиш ва стандартлашнинг амалий жиҳатлари ҳал қилинди.

7. Олинган маълумотлар асосида тиббиёт амалиётида фойдаланишга рухсат олиш мақсадида торбаргли Иван чой ўти ва «Трибулепил» йиғмасига вақтинча фармакопея мақолалари лойиҳалари ишлаб чиқилди ва ЎзР ССВнинг “Дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази” ДУКга кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

8.«Ивткан» биологик фаол қўшимчаси учун Техник шартлар ва уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. «Ивткан» биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш ва қўллаш учун ЎзР ССВнинг рухсати олинди. «Узкимёфарм» АЖ “Ивткан” биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқаришга розилик берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

РАХИМОВА ГУЛРУХ КУРКМАСОВНА

**ФАРМАКОГНОСТИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ ИВАН- ЧАЯ
УЗКОЛИСТНОГО, ПРОИЗРАСТАЮЩЕГО В УЗБЕКИСТАНЕ**

15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по фармацевтическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В 2017.1. PhD /Far8.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Комилов Хожиасрор Масудович**
доктор фармацевтических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Аминов Сабирджан Нигматович**
доктор химических наук, профессор

Нишанбаев Сабир Зарипбаевич
Кандидат химических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: **ГУП “Государственный центр экспертизы и стандартизации лекарственных средств, медицинских изделий и медицинской техники” МЗ РУз**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 г. в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017. Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: pharmi@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер __) по адресу: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2019 г.).

И.И.Алимджанов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.м.н., профессор

Ё.С.Кариева

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.фарм.н., профессор

Ф.Ф.Урманова

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.фарм.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Заболевания предстательной железы – простатит, аденома, рак предстательной железы относятся к числу наиболее распространенных у мужчин заболеваний. Рост урологической заболеваемости населения среди лиц трудоспособного возраста приводит к росту численности случаев с временной утратой трудоспособности. Согласно данным ВОЗ, численность мужчин с заболеваниями простаты составляет 5-8% от мужского населения земли. В 35-40% случаев хронический простатит выявляется у мужчин в возрасте 20-40 лет.

В настоящее время все большее внимание уделяется научным исследованиям по определению фармакогностических показателей лекарственных растений с целью разработки высокоэффективных, безопасных лекарственных средств для лечения заболеваний предстательной железы. Ввиду большого количества нежелательных последствий, возникающих в результате применения синтетических препаратов, востребовано лечение лекарственными растениями, особенно, при лечении лиц пожилого и старческого возраста. На сегодняшний день поиск лекарственных растений для создания лекарственных препаратов, применяемых при заболеваниях предстательной железы, их всестороннее изучение имеет важное значение.

В республике проводятся мероприятия, направленные на решение таких важных задач в социально-экономической сфере как охрана здоровья населения, профилактика и лечение патологий, повышение качества оказываемой медицинской помощи. В четвертой главе Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в качестве одной из основных задач определено «осуществление мероприятий по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, улучшению обеспечения населения и медицинских учреждений недорогими качественными лекарственными средствами и медицинскими изделиями, недопущению бесосновательного роста цен на лекарства»¹. Создание ряда свободных **экономических** производственных зон для решение этих задач оказывает большое влияние на развитие фармацевтической отрасли в качестве приоритетного направления.

Примечание [S1]:

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП-3489 от 23 января 2018 года «О мерах по дальнейшему упорядочению производства и ввоза лекарственных средств и изделий медицинского назначения», ПП-3532 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», ПП-3968 от 12 октября 2018 года «О мерах по упорядочению сферы народной медицины», протоколом Кабинета Министров Республики Узбекистан №32 от

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

20 апреля 2015 года «О мерах по развитию производства лекарственных средств и биологически активных добавок (БАД) на основе лекарственных растений на местных предприятиях», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Настоящая диссертационная работа является первым научным исследованием по разработке новых растительных лекарственных средств и биологически активной добавки для комплексного лечения заболеваний предстательной железы на основе местного растительного сырья- травы Иван-чая узколистного (*Chamaenerium angustifolium L.*).

В настоящее время широко известны работы по изучению лекарственных растений противовоспалительного действия и созданию на их основе эффективных лекарственных средств таких отечественных ученых, как Х.У.Алиев, Х.М.Комилов, С.Н.Аминов, Ф.Ф.Урманова, Х.М.Юнусова.

Необходимо также отметить исследования, проводимые в мировом масштабе, по разработке противовоспалительных растительных средств Ашиса Чавла, Т.Йоханса, Хеверхагена, М. Шрадера, Т. Гассера, М.К. Штелинга, Б. Джавани, К.Вюльфинга, Р.Ганцера, П. Хаммерера, Л.М.Гориловкого, М.М.Доброхотова, А.А.Полунина, В.Н.Крупина, И.А.Колмацуй, А.Т.Терешина, В.А. Смирнова и др.

Иван-чай узколистный, произрастающий в Узбекистане, следует отнести к числу практически неизученных в фармакогностическом отношении растений. До настоящего времени отсутствовала нормативная документация, регламентирующая подлинность и качество его сырья: осталась открытой морфолого-анатомическая диагностика надземной части Иван-чая узколистного для объективной оценки ее подлинности; не были разработаны методики качественного и количественного определения основных действующих веществ сырья, а также лекарственные средства на его основе.

Исходя из изложенного, комплексное исследование Иван-чая узколистного, произрастающего в Узбекистане, является актуальным.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского фармацевтического института «Разработка и внедрение в медицинскую практику оригинальных лекарственных средств на основе местных лекарственных растений и координационных соединений», а также программой научно-исследовательской работы ИТД-12 в рамках АДСС-34.2 №232 “Создание и разработка стандартизации растительного сбора для лечения простатита на основе местного растительного сырья”.

Целью исследования является определение фитохимическими методами и стандартизация надземной части Иван-чая узколистного и создание на ее

основе композиции противовоспалительного действия для лечения заболеваний предстательной железы.

Задачи исследования:

на основании анализа литературных данных обосновать целесообразность создания и стандартизации новых лекарственных средств и биологически активных добавок для лечения заболеваний предстательной железы;

изучить химический состав надземной части Иван-чая узколистного с целью выявления основных действующих веществ;

выделить и идентифицировать флавоноиды-основные действующие вещества Иван-чая узколистного;

изучить динамику накопления флавоноидов и с учетом полученных данных определить оптимальные сроки заготовки сырья;

разработать показатели подлинности и доброкачественности сырья Иван-чая узколистного, необходимые для его стандартизации;

экспериментально обосновать допустимые сроки хранения предлагаемого сырья;

разработать и стандартизовать композицию противовоспалительного действия для лечения заболеваний предстательной железы под условным названием «Трибулепил» на основе надземных частей Иван-чая узколистного и якорцев стелющихся;

